



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМЛИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Аллакулова Феруза**

**R E F E R A T I S H I**

**АНДИЖОН-2015**

# **МАВЗУ: “УСТОЗ-ШОГИРД” МУНОСАБАТЛАРИ НЕГИЗИДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

## **КИРИШ**

### **1 БОБ. ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИ-РИШДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ**

- 1.1. Устозларни танлаш ва талабаларга бириктириш масалалари
- 1.2. Устозларнинг ижтимоий фаоллиги
- 1.3. Намунавий устоз даражасига эришиш ва устоз-шогирдлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

### **II БОБ. БАРКАМОЛ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

- 2.1 . Устозлар ўқишини ташкил қилиш
- 2.2. Устозлар томонидан таълим-тарбиявий ишларни ташкил қилишда ҳамкорлик ишлари
- 2.3. Талабалар илмий салоҳиятини ривожлантиришда устознинг тарбиявий таъсир таснифи

## **УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Маълумки, олий ўқув юртларида бўлғуси мутахассис ўқитувчиларга тарбиявий таъсир қилувчи устоз-шогирд анъаналари тажрибаси амалий тасдиқланган омил сифатида ифодаланади. Тез суръатда илмий-техник ривожланиш жараёнини амалга оширилиб бориши натижасида таълим жараёнининг қирралари мукаммаллашиб бораётганлиги, уларнинг тизимига янги педагогик технологияларни, инновацион услубларни кенг доирада кириб келиши каби ҳоллар бўлғуси мутахассисларни касбий тааллуқлиги масалаларни аниқлаш, уларга ўз вақтида ёрдам бериш каби масалаларга эътибор қаратиш, устоз-шогирдлик анъаналаридан ўринли фойдаланиш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Уни асосида ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб етказиш масалалари ўз ифодасини топди.

Бугунги кунда ёш мутахассисларни ҳар томонлама шакллантиришга эътибор ҳар қачонгача нисбатан тезлаштириш эҳтиёжи замон талабига айланди, уларни касбий фаолиятини оширишга қаратилди.

Тарихий шароитларининг ўзгариши борасида тўпланган тажрибаларни ёшлар онгига етказиш шакллари ҳам ўзгариб бормоқда. Маънавий-мафкуравий, маданий-моддий бойликларни тез суръатда ривожланиб бориши тўпланган маънавий бойликларни ўсиб келаётган ёш авлод онгига етказиш тирик эстафетани ташкил қилади.

Мустақиллик шарофати туфайли устоз-шогирд анъаналарини янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратилди. Мустақилликнинг биринчи йилидан давлат ва жамият томонидан ёшларни мутахассисликлари бўйича меҳнат фаолиятларига жалб қилиш муаммоларига катта диққат-эътибор қаратилди. Жамиятда турли соҳаларда амалга оширилаётган ишларнинг тез суръатларда ривожланиб бориши ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашни, уларни таълим-тарбия муассасалари жамоаларига келиб қўшилиши зарурлигини тасдиқлайди. Бу эса ўз навбатида таълим тизимини бутунлай ислоҳ қилишни талаб этади.

Олий ўқув юртлари олдида эса таълим-тарбия вазифаларини замон талабларига мослаштириш зарурлиги қайд қилинади. Уларни ҳаётга тадбиқ қилиш бўлғуси касб эгаларини оталиқга олиш жараёнидан бошланиб устоз-шогирд анъаналарига йўл олади. Бу борада оталиқ ишларини оммавий тарзда амалга ошириш учун қилинган қадамлар устоз-шогирд анъаналарини ривожлантирди. Шулардан келиб чиққан ҳолда устозлар иш мазмунларига қўйилаётган талаблар уни ташкилий жараёнларида ҳам бир қатор ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда устоз-шогирдлик анъаналарини мустақил Ўзбекистонимизнинг барча ишлаб чиқариш соҳаларида, айнан таълим-тарбия муассасаларида ўз мазмун-моҳиятига эга бўлиб махсус тизим сифатида мақсад, вазифалар ва фаолият шакллари рағбат-баранглигида кўрамиз.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мавзунинг долзарблигини иноватга олган ҳолда “Устоз-шогирд анъанаси баркамол авлод таълим-тарбиясида ижтимоий йўналишлардан бири сифатида” мавзуси илмий-тадқиқот йўналиши сифатида танланди.

**Тадқиқот мақсади:** устоз-шогирд анъанаси баркамол авлод таълим-тарбиясида ижтимоий йўналишлардан бири сифатида эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаш.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Баркамол шахс тарбиясида устоз-шогирд анъаналари ва муносабатларининг долзарблигини асослаш.

2. Талабалар илмий салоҳиятини такомиллаштиришда устоз-шогирд анъаналарининг тутган ўрнини илмий-назарий жиҳатларини ёритиш.

3. Устоз-шогирд анъанаси баркамол авлод таълим-тарбиясида ижтимоий йўналишлардан бири эканлигининг мавжуд ҳолати, имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг методологик асослари:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида таълимни модернизациялаш ва янада такомиллаштиришга оид қарашлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ўқув-тарбия жараёнини тубдан ислоҳ қилишга оид меъёрий ҳужжатлари, Ҳукумат қарорлари, аждодларимизнинг бой илмий мероси, устоз-шогирд муносабатларига доир халқ тажрибалари ва анъаналари.

**Реферат ишининг таркибий тузилиши ва ҳажми:** иш кириш, 2 боб, 6 бўлим, умумий ҳулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 37 саҳифани ташкил қилади.

## 1 БОБ. ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

### 1.1. Устозларни танлаш ва талабаларга бириктириш масалалари

Олий таълим тизимида устозларни бўлғуси мутахассисларга бириктириш амалиётида изланишлар орқали тасдиқланишича, барча профессор-ўқитувчилар жамоасининг учдан бир қисми ёшлар билан шуғулланиш вазифасини ўз зиммасига олган ва ўзларининг мутахассислик, илмий-тадқиқот кўникма, малакаларини ёшларга тадбиқ қилиб, уларни касбий маҳоратларини шакллантиришда ўзларига хос ёрдам бермоқдалар. Лекин, шундай фикрни ҳам айтиб ўтиш лозимки, яъни бу ҳаракат буйруқлар орқали тасдиқланишига қадар ҳам ёшлар фаолиятлари устидан назорат қилиш, уларга оталик қилиш масалалари жуда қадим замонлардан бошлаб турли шаклларда; синф раҳбари, қоқоқ талабаларга оталик қилиш, тажриба алмашиш каби кўринишларда ривожланиб келган.

Устоз-шогирдлик ҳаракати отадик стаж маъносида махсус маърифий ҳужжатларга кўра 1964 йилдан ишлаб чиқиш муассасаларида бошланган.<sup>1</sup> Устоз-шогирдлик ҳаракати доирасидан четдан қолган профессор-ўқитувчилар (асосан ёш ўқитувчилар) ўзларига таклиф қилинган ижтимоий топшириқлар орқали талаба-ёшлар фаолиятларига оталик қилганлар.

Демак, шу мазмунга хос топшириқларни ҳеч қандай қаршилик қилмасдан мамнуният билан бажарганлар. Бизни тадқиқот ишимизга бир қатор профессор-ўқитувчиларнинг устозлик фаолиятлари ҳақида маълум бир тажриба алмашиш манбалари ҳақида сўз борар экан, улар қандай устозлик даражасига эришганликлари ҳақидаги саволга (мисол сифатида сўров-анкеталарига жавоб қилганларининг тўртдан бир қисми) “Бу мени бурчим ва вазифамга киради”- деб жавоб қилганлар. Шу билан биргаликда 10% га яқини, уларни шундай тасдиқлаганликларини ифодалайдилар. Сўров-анкета (иловаларга қаранг) материалларининг таҳлили кўрсатишича, айнан, ана шу борада “Шундай тасдиқланганликларини” ифодаловчи гуруҳдан баъзи бирлари бундай вазифадан воз кечишни билдирадилар. Лекин, улардан бир қисми эса қўшимча маош олаётганликлари боис давом қилдириш зарурлигини кўрсатадилар.

Демак, бундай устозларнинг фаолиятлари ҳам фақат моддий томонни кўзлаган экан, уларда ҳеч қандай очиқ кўнгиллик асосида шогирдлар билан ишлаш иштиёқи кам эканлиги тасдиқланади. Лекин, шуниси қувонарлики, 90% профессор-ўқитувчилар устоз-шогирд анъаналарига педагогик-психологик мазмунда тўғри ёндашмоқдалар. Ўзларининг мутахассислик тажрибаларини ёшлар онгига ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан сингдирмоқдалар. Шу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, профессор-ўқитувчилардан устоз-шогирдлик фаолиятларига киришишлари учун оладиган бундай ижтимоий мукамал юкланиш ихтиёрий равишда ўз зиммасига олишга розилик беришда мажбурийликка йўл қўймаслик педагогика-психология фанларининг мазмунига киради. Лекин, ҳар бир профессор-ўқитувчиларнинг бу йўналишдаги фаолияти, асосий мутахассислик фаолиятининг, ажралмас бир қисми ҳисобланади. Чунки бу жараён ҳам педагогик фаолият сифатида бўлғуси ҳар томонлама етук мутахассисни тайёрлашга

ихтиёрий ёндашиш, ўз ўрнига мувофиқ кадрларни тайёрлаш жараёни демакдир. “Педагогика” факультетнинг “Педагогика ва психология” кафедрасининг ўқитувчиси Хўжаниёзова Замира шундай дейди: “Устоз-бу унвон, лекин бу вазифани бажаришга юрак буйруғига асосан киритадилар.

Демак, уларнинг сафини кенгайтиришга интилинг, бундай вазифаларни бажаришга бўлган ҳар бир ўқитувчиларни муносабати ўз фаолиятига нисбатан мағрурлик ҳиссини уйғотади. Бугунги кунда бу фаолият маълум бир ҳаракат сифатида ифодаланаётган экан, у келгусида бегумон катта йўналишга эга бўлиб ўзига хос бўлғуси мутахассисга таъсир қилувчи манбага айланади.” Кўриниб турибдики, бизни ишимизда нафақат профессор-ўқитувчиларни устоз сифатида ёшларга биркитиш масалалари, балким назарий жиҳатдан ҳам устозларнинг ўзларини бу фаолият ҳақидаги фикрлари қизиқтиради. Бунинг учун жавоб бериш имкониятига хос саволлар мажмуаси жамланган: устознинг ўзи шогирдларни танлайдими; бўлғуси ўқитувчи ўзи устозларни танлайдими; устозлар гуруҳини ректорат, деканат, кафедра мудирлари танлайдими ёки ихтиёрий тарзда амалга ошириладими каби саволлар асосида устоз танлаш ишлари олиб борилади.

Кейинги вариант саволларига жавоб берганлардан учдан икки қисмдаги профессор-ўқитувчилар устоз танлашда ректорат, деканат, кафедра каби маъмурият аъзоларининг фикр-мулоҳазалари зарурлигини кўрсатдилар. Улардан 30%га яқини олдиндан устозлик фаолиятига розилик олиш, шогирдлар билан танишиш шарт эмаслигини таъкидлайдилар.

Бўлғуси мутахассислар билан ишлашга тайёрлик, уларга ўзини шахсий ҳиссиёти орқали талабани ёқтириш ёки ёқтирмаслигига қарамасдан ҳар томонлама ёрдам бериш-бу ҳар бир профессор-ўқитувчининг жамият олидидаги бурчи ҳисобланади. Бундай фаолият натижаси эса фаол профессор-ўқитувчининг ўзига хос таснифномасидир. Шу билан биргаликда устоз-шогирдлик фаолияти билан шуғилланувчи профессор-ўқитувчи психологиясини турли психологик ҳусусиятларга эга бўлган ёшлар билан ишлаб билишга мослашиш зарурлигини шакллантиради. Устоз-шогирдлик анъаналарига содиқлик ҳар иккала томонда мавжуд бўлган баъзи бир салбий ҳусусиятларини фаолиятларида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни ўз вақтида кўриш ва бартараф қила билаш имкониятларини яратади. Чунки баъзан устозларга ўз ҳаракатлари билан олийгоҳ тартиб-интизомидан чекка чикувчи, дарсга лоқайдлик билан қаровчи, тизимли равишда дарсга кеч қолиб келувчи, ижтимоий –фойдали меҳнатга салбий муносабатда бўлувчи талабалар бирктилиб қолади. Бундай талабаларга албатта биринчи навбатда ўзларига хос тарбиявий таъсир воситалари, услубларини топиш жуда қийин. Бу жараёнда устоз-шогирдларнинг бир-бирларга нисбатан психологик мос бўлмаслиги ишда ҳалақит бериши мумкин.

Устоз уларга эътибор қилмасдан яхши сўз, мулоқот, муносабат жараёнини очик кўнгиллик билан ўрната олиши орқали шогирд кўнглига мос вазифасини бажаришдан уни аста-секинлик билан таълим-тарбия жараёнига етаклаб бора билиши керак. Бундай ҳолат эса ўз навбатида ўзаро ижтимоий – психологик муносабатларини яхшиланишига олиб келади. Бу жараёнга ёрқин мисол сифатида устозлик фаолиятини бошланиш босқичи мазмунини келтириш мумкин. Устоз ўз ишини шогирдлар гуруҳи билан танишишдан бошлади. Ўзига беркитилган ҳар бир талаба билан яқка тартибда танишиб уларни нимага қобилиятли эканлигини билиб олди.

Ўзи мутахассис сифатида маъруза ўқийдиган талабалар жамоасидан М. исмли талаба ҳам унга шогирд сифатида танланганини билиб олди. У шогирди М.нинг салбий хатти-ҳаракатларини олдиндан билар эди. Шунинг учун ҳам унга шогирдларнинг биринчи йиғилишида шу гуруҳга сардорлик қилиш вазифасини топширди ва М. билан биргаликда шогирдлар билан ишлаш режа, тадбирларни тузиб чиқадилар. М. фаол шогирд сифатида жамоада кундан-кунга ўз фаолиятини фақат ижобий томонга фаоллаштирди. Уни раҳбарлигида устоз-шогирдлик гуруҳи венеткаси (умумий тасвирий ифодаланган сурат) ишлаб чиқилди, ўзи эса барча фанлардан “яхши” ва “аъло” баҳоларга ўқий бошлади.

Бундай мисолларни бошқа устоз-шогирд гуруҳларидан ҳам келтириш мумкин. Шунинг ҳам изоҳлаб ўтиш зарурки, яъни устоз-шогирдлик муддати давомийлиги қанча муддатни ўз ичига олиши кераклигини аниқлаб олиш зарурми ёки устоз-шогирдлик бутун

бир умрга давом этадими деган масалалар бир қатор кенгашлар, мажлислар, ўзаро суҳбатлар мавзусига айланган. Бундай ўзбекона урф-одатларга таянган ҳолда бу масала устоз-шогирдларни ўзаро бир умрга барча ишларда ҳамдард, ҳамнафас бўлишлари кераклигини тасдиқлайди.

Энди устоз-шогирдлик муносабатлари фақат ўқув фаолиятларида амалга ошириладиган жараён сифатида қараладиган бўлса, шогирдларни олийгоҳни муваффақиятли тугаллашлари, иш ўринларига эга бўлишлари, ўзларини ҳам устозлик фаолиятларини бошлашлари билан бу жараён якунланади. Шундай бўлса ҳам устоз-шогирдлик бу бутун умрлик жараён деб қаралади. Чунки ҳар бир устоз ўз фаолиятини турлича қабул қилади, турлича услуб. воситалар орқали амалга оширади ва ўз қобилияти доирасида таълим-тарбиявий таъсир доирасини белгилайди.

Шогирдларга таълим-тарбиявий таъсир кучини ўтказишда устозлар турлича инсонлар тақдирлари билан дуч келадилар (шогирдларнинг ҳар бири ўзининг характери, қобилияти, интилиши кабилар билан бир-биридан ажралиб турадилар). Айнан ана шундай хусусиятлар устоз-шогирдлар томонидан тушунарли бўлмаса устозлик фаолиятлари шу сабабларга кўра бузилишга келиб тақалади. Булардан ташқари устоз-шогирдлик фаолиятларини бузилишига мавжуд бўлган сабаблар: бошқа факультет ёки бўлимга ўтиш, армия сафига чақирилиши, академик таътил олиш кабилар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шундай фикрлар қаторида, устозлик муддатини қачон тугулланган деб ҳисоблаш зарур деб топиш, кўпгина анкета саволларига шогирдлар берган жавоблардан излаш керак.

Албатта, устозлик ишини кўрсаткичлари ва сифатига кўра муддати тугалланиши устозларнинг ўз шогирдлари фаолиятларини кейинги муддатларда назорат қилиш жараёнини чеклаб қўймайди. Лекин, бу фаолият мулоқот ва муносабат мазмунини янада юқори даражада амалга оширилади. Чунки кўпгина шогирдларни ўзлари устозлик вазифасини бажара бошлайдалар ва катталарнинг маслаҳатларига муҳтожлик сезадилар. Натижада устоз-шогирдлик анъаналари орқали авлодлар ҳамкорлик фаолиятлари амалга ошади.

## 1.2. Устозларнинг ижтимоий фаоллиги

Баркамол авлодни тарбиялаш шароитида барча жамоаларининг ижтимоий фаоллиги асосий ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқариш кучларининг тез суръат ижтимоий ўсиб бориши, нафақат ишчи кучларининг ижтимоий фаолият шакллари, балки уларни тарбиялаб шакллантирувчи устозларнинг ҳам ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ. Ижтимоий фаоллик турлари асосан ҳар бир кишининг мустақил фаолият турлари билан чамбарчас боғлиқ. Устозларнинг ижтимоий фаоллиги ўз-ўзини бошқариш, турли йўналишларда дўстона рақобатбардошликни ўрнатиш ҳаракатдаги илмий-услубий кенгашларда иштирок этиш, илмий таҳлил ҳайъатларида шогирдлар фаоллигини тасдиқлаш, шогирдлар билан ҳамкорликдаги фаолиятларни режалаштириш каби шаклларда ифодаланади.

Устоз-шогирдлар фаоллиги ҳамма вақтларда ҳам кўп қиррали жараён ҳисобланган ва мутахассислик билим, кўникма, малакаларида ифодаланган. Устоз-шогирдларнинг ижтимоий фаоллиги жамият қизиқишлари асосида фаолият олиб боришларида ифодаланади. Натижада ҳар иккала шахснинг онгли фаолият қилиши, ижтимоий топшириқларни бажаришлари кабилар асосида ички эҳтиёжларни қондириш, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида шакллантириш амалга оширилади. Ижтимоий фаолият қилиш маъноси кенг доирада инсонни ижтимоий манба сифатидаги фаолиятида ифодаланади. Тор маънода ижтимоий фаолият бу моддий ва маънавий бойлик ёритишга йўналтирилган ижодий фаолиятдан ташкил топган фаолият ҳисобланади. Айнан шу йўналишда устозлар ижтимоий фаолиятлар йўналишлари тасдиқланади. Улар ўзларининг асосий касбий, мутахассислик вазифаларидан ташқари бўлғуси касб эгалари ёшларни тезлик билан касбий- мутахассислик фаолиятларига киришиш имкониятларини яратади.

Жамият баркамол авлодни шакллантириш ҳаракати ҳар бир шахсни, айнан, бўлғуси ўқитувчилани тайёрлашда уларни ижтимоий фаоллигини амалга ошириш,

Ўзларини ижтимоий моҳиятларини тушунишларини таъминлаш каби кўп қиррали вазифаларни бажаришга ўргатиш билан боғлиқ.

Натижада, устоз-шогирдлик анъанаси онгли ва кўпгина мақсадларни амалга оширишга қаратилган жараёнга айланиб боради.

Уларнинг фаолиятлари орқали, сафлари кенгайиб боради, ҳар бир талаба ўзлигини турли йўналишларда намоён қилади. Шундай қилиб, бир вақтни ўзида талаба оммасини фаоллиги асосида, ҳар бир талабанинг ижтимоий, илмий-услубий қиёфаси шаклланади. Талаба шахсини ижтимоий фаоллиги устозлар назорати асосида тизимли талаб қилинадиган эҳтиёжга айланади. Устозлар фаолиятини таснифлаш учун рисолада навбатдаги кўрсаткичлардан фойдаланилган:

- устоз томонидан қабул қилинган мажбурият ва вазифаларни ихтиёрийлик тамойилига асосланганлиги (лекин, махсус буйруқ асосида танланганлиги);

- унинг ижтимоий топшириқлар ҳажми;

- тарбиявий таъсирини шогирдларга ўтказиш билиш таснифи ( иш стажи, ёши, жинси, лавозими, илмий даражаси);

- турли мусобоқаларда, шогирдлар билан анжуманларда иштироки кабилар.

Ҳар бир йўналиш бўйича эришилган кўрсаткичларга айрим-айрим тўхталиб ўтаёмиз.

Олий таълим тизимида устозларни бўлғуси мутахассисларга бириктириш амалиётида изланишлар орқали тасдиқланишича, барча профессор-ўқитувчилар жамоасининг учдан бир қисми ёшлар билан шуғулланиш вазифасини ўз зиммасига олган ва ўзларининг мутахассислик, илмий-тадқиқот кўникма, малакаларини ёшларга тадбиқ қилиб, уларни касбий маҳоратларини шакллантиришда ўзларига хос ёрдам бермоқдалар. Лекин, шундай фикрни ҳам айтиб ўтиш лозимки, яъни бу ҳаракат буйруқлар орқали тасдиқланишига қадар ҳам ёшлар фаолиятлари устидан назорат қилиш, уларга оталик қилиш масалалари жуда қадим замонлардан бошлаб турли шаклларда; синф раҳбари, қолоқ талабаларга оталик қилиш, тажриба алмашиш каби кўринишларда ривожланиб келган.

Устоз-шогирдлик ҳаракати оталик стаж маъносида махсус маърифий ҳужжатларга кўра 1964 йилдан ишлаб чиқиш муассасаларида бошланган. Устоз-шогирдлик ҳаракати доирасидан четдан қолган профессор-ўқитувчилар (асосан ёш ўқитувчилар) ўзларига таклиф қилинган ижтимоий топшириқлар орқали талаба-ёшлар фаолиятларига оталик қилганлар. Демак, шу мазмунга хос топшириқларни ҳеч қандай қаршилик қилмасдан мамнуният билан бажарганлар. Бизни тадқиқот ишимизга бир қатор профессор-ўқитувчиларнинг устозлик фаолиятлари ҳақида маълум бир тажриба алмашиш манбалари ҳақида сўз борар экан, улар қандай устозлик даражасига эришганликлари ҳақидаги саволга (мисол сифатида сўров-анкеталарига жавоб қилганларининг тўртдан бир қисми) “Бу мени бурчим ва вазифамга киради”- деб жавоб қилганлар. Шу билан биргаликда 10% га яқини, уларни шундай тасдиқлаганликларини ифодалайдилар. Сўров-анкета (иловаларга қаранг) материалларининг таҳлили кўрсатишича, айнан, ана шу борада “Шундай тасдиқланганликларини” ифодаловчи гуруҳдан баъзи бирлари бундай вазифадан воз кечишни билдирадилар. Лекин, улардан бир қисми эса қўшимча маош олаётганликлари боис давом қилдириш зарурлигини кўрсатадилар.

Демак, бундай устозларнинг фаолиятлари ҳам фақат моддий томонни кўзлаган экан, уларда ҳеч қандай очиқ кўнгиллик асосида шогирдлар билан ишлаш иштиёқи кам эканлиги тасдиқланади. Лекин, шуниси қувонарлики, 90% профессор-ўқитувчилар устоз-шогирд анъаналарига педагогик-психологик мазмунда тўғри ёндашмоқдалар. Ўзларининг мутахассислик тажрибаларини ёшлар онгига ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан сингдирмоқдалар. Шу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, профессор-ўқитувчилардан устоз-шогирдлик фаолиятларига киришишлари учун оладиган бундай ижтимоий мукамал юкламани ихтиёрий равишда ўз зиммасига олишга розилик беришда мажбурийликка йўл қўймаслик педагогика-психология фанларининг мазмунига киради. Лекин, ҳар бир профессор-ўқитувчиларнинг бу йўналишдаги фаолияти, асосий мутахассислик фаолиятининг, ажралмас бир қисми ҳисобланади.

Демак, уларнинг сафини кенгайтиришга интилинг, бундай вазифаларни бажаришга бўлган ҳар бир ўқитувчиларни муносабати ўз фаолиятига нисбатан мағрурлик ҳиссини уйғотади. Бугунги кунда бу фаолият маълум бир ҳаракат сифатида ифодаланаётган экан, у келгусида бегумон катта йўналишга эга бўлиб ўзига хос бўлғуси мутахассисга таъсир қилувчи манбага айланади. Кўриниб турибдики, бизни ишимизда нафақат профессор-ўқитувчиларни устоз сифатида ёшларга биркитиш масалалари, балким назарий жиҳатдан ҳам устозларнинг ўзларини бу фаолият ҳақидаги фикрлари қизиқтиради. Бунинг учун жавоб бериш имкониятига хос саволлар мажмуаси жамланган: устознинг ўзи шогирдларни танлайдими; бўлғуси ўқитувчи ўзи устозларни танлайдими; устозлар гуруҳини ректорат, деканат, кафедра мудирлари танлайдими ёки ихтиёрий тарзда амалга ошириладими каби саволлар асосида устоз танлаш ишлари олиб борилади.

Бўлғуси мутахассислар билан ишлашга тайёрлик, уларга ўзини шахсий ҳиссиёти орқали талабани ёқтириш ёки ёқтирмаслигига қарамасдан ҳар томонлама ёрдам бериш-бу ҳар бир профессор-ўқитувчининг жамият олидидаги бурчи ҳисобланади. Бундай фаолият натижаси эса фаол профессор-ўқитувчининг ўзига хос таснифномасидир. Шу билан биргаликда устоз-шогирдлик фаолияти билан шуғилланувчи профессор-ўқитувчи психологиясини турли психологик ҳусусиятларга эга бўлган ёшлар билан ишлаб билишга мослашиш зарурлигини шакллантиради. Устоз-шогирдлик аъёналарига содиқлик ҳар иккала томонда мавжуд бўлган баъзи бир салбий ҳусусиятларини фаолиятларида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни ўз вақтида кўриш ва бартараф қила билаш имкониятларини яратади. Чунки баъзан устозларга ўз ҳаракатлари билан олийгоҳ тартиб-интизомидан чекка чиқувчи, дарсга лоқайдлик билан қаровчи, тизимли равишда дарсга кеч қолиб келувчи, ижтимоий-фойдали меҳнатга салбий муносабатда бўлувчи талабалар бирктилиб қолади. Бундай талабаларга албатта биринчи навбатда ўзларига хос тарбиявий таъсир воситалари, услубларини топиш жуда қийин. Бу жараёнда устоз-шогирдларнинг бир-бирларга нисбатан психологик мос бўлмаслиги ишда ҳалақит бериши мумкин.

Устоз уларга эътибор қилмасдан яхши сўз, мулоқот, муносабат жараёнини очик кўнгиллик билан ўрната олиши орқали шогирд кўнглига мос вазифасини бажаришдан уни аста-секинлик билан таълим-тарбия жараёнига етаклаб бора билиши керак. Бундай ҳолат эса ўз навбатида ўзаро ижтимоий- психологик муносабатларини яхшиланишига олиб келади. Бу жараёнга ёрқин мисол сифатида устозлик фаолиятини бошланиш босқичи мазмунини келтириш мумкин.

Устоз ўз ишини шогирдлар гуруҳи билан танишишдан бошлади. Ўзига беркитилган ҳар бир талаба билан яқка тартибда танишиб уларни нимага қобилиятли эканлигини билиб олди.

Ўзи мутахассис сифатида маъруза ўқийдиган талабалар жамоасидан М. исмли талаба ҳам унга шогирд сифатида танланганини билиб олди. У шогирди М.нинг салбий ҳатти-ҳаракатларини олдиндан билар эди. Шунинг учун ҳам унга шогирдларнинг биринчи йиғилишида шу гуруҳга сардорлик қилиш вазифасини топширди ва М. билан биргаликда шогирдлар билан ишлаш режа, тадбирларни тузиб чиқади. М. фаол шогирд сифатида жамоада кундан-кунга ўз фаолиятини фақат ижобий томонга фаоллаштирди. Уни раҳбарлигида устоз-шогирдлик гуруҳи венеткаси (умумий тасвирий ифодаланган сурат) ишлаб чиқилди, ўзи эса барча фанлардан “яхши” ва “аъло” баҳоларга ўқий бошлади.

Бундай мисолларни бошқа устоз-шогирд гуруҳларидан ҳам келтириш мумкин. Шунинг ҳам изоҳлаб ўтиш зарурки, яъни устоз-шогирдлик муддати давомийлиги қанча муддатни ўз ичига олиши кераклигини аниқлаб олиш зарурми ёки устоз-шогирдлик бутун бир умрга давом этадими деган масалалар бир қатор кенгашлар, мажлислар, ўзаро суҳбатлар мавзусига айланган. Бундай ўзбекона урф-одатларга таянган ҳолда бу масала устоз-шогирдларни ўзаро бир умрга барча ишларда ҳамдард, ҳамнафас бўлишлари кераклигини тасдиқлайди.

Энди устоз-шогирдлик муносабатлари фақат ўқув фаолиятларида амалга ошириладиган жараён сифатида қараладиган бўлса, шогирдларни олийгоҳни муваффақиятли тугаллашлари, иш ўринларига эга бўлишлари, ўзларини ҳам устозлик фаолиятларини бошлашлари билан бу жараён яқунланади. Шундай бўлса ҳам устоз-

шогирдлик бу бутун умрлик жараён деб қаралади. Чунки ҳар бир устоз ўз фаолиятини турлича қабул қилади, турлича услуб. воситалар орқали амалга оширади ва ўз қобилияти доирасида таълим-тарбиявий таъсир доирасини белгилайди.

Шогирдларга таълим-тарбиявий таъсир кучини ўтказишда устозлар турлича инсонлар тақдирлари билан дуч келадилар (шогирдларнинг ҳар бири ўзининг характери, қобилияти, интилиши кабилар билан бир-биридан ажралиб турадилар). Айнан ана шундай хусусиятлар устоз-шогирдлар томонидан тушунарли бўлмаса устозлик фаолиятлари шу сабабларга кўра бузилишга келиб тақалади. Булардан ташқари устоз-шогирдлик фаолиятларини бузилишига мавжуд бўлган сабаблар: бошқа факультет ёки бўлимга ўтиш, армия сафига чақирилиши, академик таътил олиш кабилар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шундай фикрлар қаторида, устозлик муддатини қачон тугулланган деб ҳисоблаш зарур деб топиш, кўпгина анкета саволларига шогирдлар берган жавоблардан излаш керак.

### 1.3. Намунавий устоз даражасига эришиш ва устоз-шогирдлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Устоз фаолияти мазмуни ичида “Энг кўзга кўринадиган фаолият тури – бу уни фаоллиги, энг яхши, намунавий устоз” ўзини ҳар томонлама ифодалаб кўрсата олишидир.

Бизнинг тадқиқотларимиз маълумотларига кўра бу танловларда 65% дан ортиқ устозлар ўзларининг ҳар томонлама кўрсатиш, исботлаб беришга ҳаракат қилдилар. Бундай танловларни ташкил қилиш учун ҳар бир олийгоҳ жамоалари томонидан тайёрланган ва Илмий-услубий Кенгашларда тасдиқланган Низомга амал қилиши керак.

Шу ўринда шуни ҳам тасдиқлаб ўтиш зарурки кўпгина олийгоҳларда бундай танловлар умуман ўтказилмайди. Худди шундай баъзи бир профессор-ўқитувчиларнинг оғзаки фикр-мулоҳазаларига кўра бундай танловларни ташкил қилиш шартли деган чалғитувчи ғоялар ғоялар ифодаланиши тасдиқланади. Уларнинг фикрларига кўра бундай танловлар кўрсаткичларни зўр-зўраки, нормал ҳолатда юқори даражага кўтариш жараёнларини келтириб чиқаради. Улар шогирдлар сонини кўпайтириш, шогирд зиммасига паст курсдаги талабаларни биркитиш, улар томонидан улгурмовчи талабаларни оталиққа олиш каби жараёнлар устоз фаолиятини юқори даражага кўтариши мумкин деган асосланмаган фикрларни ифодалядилар.

Лекин бундай танловларни мақсад –мазмунини назарий ва амалий жаҳатдан исботлайдиган бўлсак: танловни ўтказиш масаласини қўйилишини ўзи устоз-шогирдлар фаолиятларини янада фаоллаштиради, улар тез вақтни ичида кимга қандай йўналишда ёрдам бериш, ўзига топширилган топшириқларни аниқ талабларга асосан бажариш, барча шогирдларни факультет, университет тадбирларида иштирок этишга ундаш, ҳар томонлама бошқаларга намуна бўлишга интилишларига таъсир қилиш, илмий йўналишлар муаммоли масалаларни ечишга, уларни чоп қилишга интилишга ҳаракат қилдириш кабилар ўз-ўзидан намунавий жараёнга айланиб боришини тасдиқлайди.

Аммо, шуни ҳам назарда тутиш лозимки, бундай танловларни ташкил қилиш ўзига хос қийинчиликларга эга. Яъни устоз оталигидаги баъзи бир шогирдларини дарсга маълум бир сабабларга кўра қатнашмаганликларини танлов давомида сабабини аниқламасдан устоз камчилиги деб кўрсатиш каби ҳар қандай танбехлар устоз-шогирдларнинг танлов ғолиби бўлиш имкониятидан марҳум қилади.

Шундай қилиб, устознинг шогирдлар билан ишлаш юкламасини бажариши уни янада янгидан-янги фаолият қирраларини очиб беради. Бу эса шогирдларга ижобий таъсир қилиш имкониятини янада оширади. Ниҳоят, барча кўрсаткичлар, ҳаётий тажриба асосида устоз-шогирд фаолиятларини мазмун-моҳиятларини ифодаляди. Натижада ҳар иккала томоннинг фаоллик даражаси тасдиқланади.

Аниқ таъсир қилувчи жараёнларни, инсонлар хатти-ҳаракатларини маълум бир доирада ўрганиш билан чегараланиб қолиш ҳеч қандай натижа бермайди. Уларни фаоллаштириш томонларини ташқи таъсирларсиз ифодалаш мумкин эмаслиги тасдиқланади. Шу билан ҳам фаолликни субъектив томонига қизиқиш аниқланади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга хос навбатдаги вазифалар келтирилади: устоз-

шогирдлик ҳаракатининг объектив жиҳатдан зарурлигини уларнинг (устоз-шогирднинг) онгларида ифодаланиши, бу ҳаракатни мазмунида ўзларининг мақсадлари мавжудлиги, қандай фаолият йўналишларини етакчи сифатида ҳар бири томонидан ифодаланиши каби вазифалар келтирилади.

Бир қанча таъкидлаганимиз каби устозлик талабалар билан ишлашнинг энг юқори шакли сифатида бир қатор умумлашган таълим-тарбиявий вазифаларни ечиш билан тавсифланади. Лекин, баъзи бир устозлар ўзларининг асосий вазифалари сифатида фақат шогирдларга тезлик билан касбий билим, кўникма, малакаларни сингдириш зарурлигида деб биладилар.

Ўзларининг таълим-тарбиявий таъсирларининг талабаларда касбий жиҳатларига нисбатан тезроқ мослашишда биладилар. устозлар томонидан ўз имкониятларини бундай қисқа доирада ифодалашларининг сабабларидан бири шогирдлар жамоасининг контингент тизими турли ёш,курс, характерда эканлигидир.

Чунки баъзи бир манбаларда ифодаланишича устозлик фаолияти биринчи навбтда тарбиявий таъсир қилувчи манба сифатида фақат тарбияси қийин кишилар билан ишлаш маъносида ривожланган.

Кейинчалик ривожланиш доираси кенгайиб, ёшларни танлаган касбига чиниқтириш шаклларига айланди. Бугунги кунда эса ҳар бир таълим-тарбия муассасаларида бундай анъана “Ҳар бир ўқувчи, талабага -устоз” маъносида ҳаёт тажрибасига тадбиқ қилмоқда. Шундай қилиб тарбияси қийин ёки улгурмовчи ўқувчи, талаба доираси кундан-кунга камайиб, ҳар бир ўқувчи, талабанинг ўзига хос интеллекти (ақлий доираси) шаклланмоқда.

Уларнинг фаолиятида талабаларни Олийгоҳ жамоасига кириб келиши билан жамоага киришиб кетишига ёрдам бериш, уларни ижодий хусусиятларини ривожланиш доирасини кўра билиш, жамоа бўлиб яшаш нормаларини сингдириш каби фаолиятларни амалга ошириш кўзда тутилади. Демак устоз-шогирдлик анъаналарининг таълим-тарбиявий имкониятларини чегаралаш шогирдлар тизимини кундан-кунга ўзгариб бориш билан ифодалаш мумкин эмас. Оғаки сўровларга олинган жавоблардан бундай ҳаракатнинг муваффақияти биринчи навбатда устознинг иш стажи (муддати), ёши, мутахассислиги, илмий даражаси, мулоқот-муносабат муаммоси кабилар билан боғлиқлигини ифодалайди.

Агарда устоз-шогирдлик ҳаракатига 1-курс талабаларининг талабалар жамоасига киритиш имкониятларини тезлаштиради деган маънода қаралса, ҳаракатларнинг фойдали томонларини баҳолаш чизмасидаги 1-2 тартиб номеридаги ўқитувчилар (1-5 йил стажга жга бўлганлари билан 10 ва ундан ортиқ стажга эга бўлган) фикр – мулоҳазалари бир-бирларига бир қанча яқинликни ифодалайди. Бундай баҳолашнинг ортида ёшлар билан ўз мазмун-моҳиятини кўрсатади. Чунки бу даврларда устозлар турли характерга эга бўлган, ҳаётга турлича қарайдиган, турли қизиқишларга эга бўлган талабалар билан фаолият қиладилар.

Устозлик – бу ижтимоий институтларнинг ёшларни ҳар томонлама тарбиялашдаги бир йўналиши ҳисобланади. Лекин, бу анъана оила, мактаб каби турли мазмундаги ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи ижтимоий институтларнинг таълим-тарбиявий таъсирларни давомчиси сифатида ифодаланади. Шунинг учун ҳам устоз-шогирдлик фаолиятларида оила, мактаб каби жамоалар фаолиятлари билан ҳамкорлик амалга оширилиб, бир-бирларининг таъсир қилиш кучлари мустаҳкамланиб боради.

Лекин, бошқа жамоалар таъсирига нисбатан ёшларни ҳар томонлама тарбиясида етакчи ўрин Олийгоҳ жамоаларига, айнан устоз-шогирдлик каби анъаналарнинг ташкилотчиларига ажратилади. Чунки Олийгоҳ жамоасида талабаларга ўз имкониятларини ҳар томонлама намоиш қилиш имкониятлари яратилади. Буларни ҳисобга олмаслик устозлик ҳаракати фаолиятининг муваффақиятини пасайтиради.

Шунинг учун ҳам бу ҳаракатнинг муваффақиятини жуда юқори даражада эмас, деб тасдиқловчи профессор-ўқитувчилар сони жуда кам фоизда ифодаланади. Бундай фикрлар устозлар ва шогирдларга жуда кўп даражада талабалар қўйилади деб фикр билдирувчилардан келиб чиқади. Устозлар ўзларининг фаолиятлари мазмунида яққол

намоён бўладиган ижтимоий фаолият билан шуғулланишни кўпроқ макул кўрадилар.

Келтирилган маълумотлардан устозлар фаолиятида етакчи ўринни жамоат, талабалар олдида топширилган вазифаларни онгли равишда бажариш, ҳамда ўз билим, кўникма, малакалар тажрибасини ёшларга етказиш мотивлари (турткичлари) ўз ифодасини топади.

Ижтимоий ҳаёт тажрибасининг тасдиқлашича инсониятнинг бўлғуси ижтимоий-сиёсий фаоллиги, таълим-тарбияни авлоддан-авлодга етказиш асосида амалга оширилишини тасдиқлайди. Бундай юқори даражадаги тасдиқланишлар устозлик фаолиятини ҳам юқори даражада бах олаш зарурлигини ифодалайди.

## II БОБ. БАРКАМОЛ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

### 2.1 . Устозлар ўқишини ташкил қилиш

Устоз-шогирдлик ҳаракатини амалга оширишда ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи устозлар ўқишини ташкил қилиш масаласи ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Устозлар ўқишини махсус ташкил қилишга муносабатларини ўрганиш борасида фаолият доираларини кенгайтириш ёки тор доирада амалга ошириш мумкинлиги таҳлил қилинади.

Устозлар шогирдлар билан ишлашда асосий диққатни касбий маҳоратларини махсус ўқишни ташкил қилишга муҳтожлик сезмайдилар. Лекин, улар ўқиш мазмунида фақат ўзгариш касбий маҳоратини ошириш тасдиқланади деб хулоса чиқаришларига нисбатан махсус ташкил қилинадиган ўқиш йўналишига нотўғри ёндошадилар. Айнан, ана шундай фикрлари таъсирида улар ижтимоий психология, педагогика, ҳуқуқ каби фанлар доирасидаги услубий ёрдамлардан четда қоладилар.

Устозлар ўқишини ташкил қилинишида, ўқишни айнан қаерда ва қандай доирада ташкил қилиниши ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Факультетлар, кафералар доирасида ўтказиладиган учрашувлар, ўқишлар фақат тингловчиларнинг маълум бир қисмини камраб олиши мумкин.

Бизнинг кузатишимизга асосан, устозлар ўқишини университет ёки (вақти-вақти билан) вилоят, Республика миқёсида ташкил қилиш керак. Унга юқори ташкилотлар вакиллари таклиф қилиниб устоз-шогирдлик аънаалаирга янги импульс (ғоялар) берувчи фикр-мулоҳазалари билан чиқишлар ташкил қилиниши керак.

Устозлар ўқишни туман, вилоят таълим бошқармалари, мактаблар каби муассасаларда ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай таклифлар устозларга тақдим қилинди. Улардан 10 фоизи бундай ўқишларга қатнашиш шарт эмаслигини кўрсатса, худди шундай 10 фоизи бундай ўқиш мажбурлиги ҳақида маълумотларга ҳам эга эмаслигини кўрсатадила. Баҳолаш устозлар Кенгаши, деканат, кафедра мажлисларида муҳокама қилишга муҳтожликни талаб қилади ва уларни ташкил қилувчиларга асосий диққатни қаратиш керак. Савол-жавоблар натижаси ёш устозларга услубий ёрдам бериш ишини тизимлаштириш, фаолиятларини маҳмун-моҳиятига эътиборни қаратиш каби йўналишларни амалга ошириш зарурлигини тасдиқлайди.

Устозлар ўқишини ташкил этиш албатта қийинчиликларни туғдиради. Чунки маърузачилар тизимини шакллантириш уларни танлаш каби масалалар ўзига хос қийинчиликлардан иборат. Яъни профессор-ўқитувчиларни устоз сифатида ўқитиш уларга хос тажрибани, маълум бир лавозим, унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш билан боғлиқ.

Устозлар ўқишини ташкил қилиш деканат, кафедралар зиммасига юклатилади. Улар томонидан ўзларининг тизимларида фаолият қилаётган ўқитувчилардан ташқари, ўқитиш ишига мактаб ўқитувчилари муҳандисларни ҳам жалб қилиш назарда тутилади. Бундай ҳолат на фақат маърузачиларни тинглаш, уларни махсус тизимини ёритиш билан боғлиқ бўлибгина қолмасдан, балким машғулотларни ўтказиш жойлари, ўқув режаси, дастурларини тузишга ҳам қаратмоғи керак.

Ўқув дастурларида таълим эгаллашнинг психология, педагогика, этика ва

эстетика, иқтисод ва ҳуқуқ масалаларига доир мавзулар ифодаланиши керак. Мавзуларга ажратилган соатлар эҳтиёжларга ва маърузачилар тизимига боғлиқ бўлиши керак. Кенг доирадаги муаммоларни ечиш умумий маънога эга бўлган маърузалар орқали амалга оширилади. Маърузалар шогирдларнинг ёши ва ўқиш курсларига мос бўлиши назарда тутилади.

Ўзаро суҳбатлар устозлик фаолияти билан эндигина шуғулланаётган ёш ўқитувчилар учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Лекин, бугунги кунга қатор устозлар ўқишларини ташкил қилиш бўйича умумий бир тизимни яратилмаганлигини кўрсатиб ўтиш зарур. Ҳар томонлама тўғри ташкил қилинган устозлар ўқишини имкониятларини ошириш турли ижтимоий ташкилотлар, гуруҳ раҳбарлари ишлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши билан биргаликда факультетда ташкил қилинган муоммали семинар мавзуларидан ҳам фойдаланиш мумкинлигини тасдиқлайди.

Уларни машғулотлардаги ҳамкорлиги кўп қиррали бўлиб; илғор тажрибаларни оммалаштириш, ёшларнинг намунавий тарбиячиси танловлари тантанали кечаларни ўтказишлар билан ифодаланади. Бундай тадбирларга шогирдларни ҳам жалб қилиш ва уларни фаол иштироклари асосида рағбатлантириш, ётоқхонадан ўрин ажратиш каби масалаларни ҳам ҳал қилиш мумкин.

Бунга устоз-шогирдларни биргаликда дам олиш, кино-театрларга, музей, кўргазма залларига бориш кабилар ҳам киради. Бу эса устоз-шогирдларни бир-бирларига янада яқинлаштириш, бир-бирини яхши билиш кабиларни таъминлаш билан биргаликда таълим-тарбия жараёнини тасдиқлайди. Шундай фикр-мулоҳазалар асосида биз фақат устозлар обрўсини кўтариш ва ҳуқуқ-бурчларидан фойдаланиш услублари ҳақида маълум бир хулосалар чиқардик.

Устозлар ҳуқуқларини амалга ошириш борасида бизни қизиқтирган масалалар гуруҳ, факультет, ижтимоий ташкилотлар миқёсида қабул қилинаётган қарорларда устозлар фикрлари ҳисобга олинандими, йўқми каби масалалар қизиқтиради.

Шундай қилиб, шогирдларни имтиёзли стипендияга таклиф қилишдаги устозларнинг таклифларига тўғри ёндошилган бўлиб қолган таклифларга эътибор жуда кам миқдорда эканлиги тасдиқланади. Лекин, устоз-шогирдлик фаолиятларини амалга ошириш учун тасдиқланган Низомга кўра барча таълим-тарбиявий ишларни тўғри йўналтиришда устоз етакчи маънога эга. Демак, шогирдларнинг ҳаёт мазмуни билан боғлиқ бўлган барча рағбат ёки жазо масалаларини ҳам тасдиқлашда унинг таклифи етакчи кучга эга бўлиши керак. Агар бу масалалар тўғри йўлга қўйилмаса устоз-шогирдлик аъъанаси ўзининг мақсад – мазмунига эришмайди. Устознинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва обрўсини юқори даражага кўтаришда уни таклиф-мулоҳазалари уларнинг фаолиятини бошқарувчи ташкилотлар учун асосий йўлланма бўлиши керак.

Ижтимоий анкета – саволларига олинган жавоблардан яна бир муҳим масала аниқланди. Яъни “Сизни устозлик фаолиятинингизда нима ҳалақит қилади?”- деган саволга кўпчилик жавобларида, уларни таълим-тарбиявий ишларни тўғри йўлга қўйишда ҳалақит берадиган масалалар кўплиги аниқланди. Хусусан, ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларда (бошқа бўлимга ўтказишда, ётоқхона тақсимланишда, рағбат, баъзан жазо масалаларида). Устозларнинг таклиф-мулоҳазалари ҳисобга олинмаслиги тасдиқланди. Талабалар ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масала устоз билан маслаҳат орқали амалга оширилса, уларнинг обрўси шогирдлар олдида янада юқори даражага кўтарилади. Чунки, ҳар бир устозга шогирдларининг қандай хусусиятга эга эканлиги аниқ намоён бўлганлиги сабабли уларни ҳар бир ҳаётий масалаларида маслаҳатлашиб иш қўрилса устоз-шогирдлик аъъанаси ўзининг мақсад ва вазифасини тўғри амалга оширишга эриша олади. Демак, шогирдлар ҳаёт мазмунлари билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилишда тажрибали профессор-ўқитувчиларга ишонч билдирилиши керак.

2.2. Устозлар томонидан таълим-тарбиявий ишларни ташкил қилишда ҳамкорлик ишлари

Устозларнинг таълим – тарбиявий ишларини ташкил қилишда ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорлиги масалалари кўп қиррали жараён бўлиб, уларни барча қирраларини очиб бериш тадқиқотимизнинг асосий вазифаси бўлиб қолмасдан, фақат маълум доирадагина бу масалаларга эътибор қаратилди.

Жумаладан, бундай ҳамкорлик масалаларининг бир йўналиши: талабалар оиласи ва ётоқхоналарда таълим-тарбиявий ишларни ҳамкорликда олиб бориш масаласидир.

Бу жараёнда бизни қизиқтирган масалаларга устозларнинг ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борадиган ишлар мазмун-моҳияти киради. Бу борада устозларнинг учдан бир қисми шогирдларни ота-оналари билан танишиш шарт эмас деб тасдиқлайдилар.

Устозлик фаолиятида ота-оналари билан ҳамкорликда бўлиш энг нозик ва энг аҳамиятли масала ҳисобланади. Бу жараёнда энг қийин масала тўлиқ бўлмаган ёки бир томонли оилаларда шогирдлар билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларнинг қийинлиги, яъни кўпгина ота ёки оналар томонидан фарзандини маълум бир касбини эгаллашларидаги қийинчиликларига жуда ҳам эътибор қаратиши, ўғил ёки қизни олийгоҳга кириши ва унда ўқишини давом қилдириши кабилари вақтинчалик ҳолат деб тасдиқлашлари устозлар фаолиятини янада қийинлаштиради.

Бундай ҳолат фаолиятида ўзига хос “қайчи” сифатидаги йўналиши ифода сифатидаги йўналишини ифодалайди, яъни устоз шогирдини ўқишни давом қилдириб, яхши мутахассис бўлишини хоҳласа, ота ёки она тушунмасликдан фарзандини бирон маош оладиган ишга киришишини хоҳлайди. Демак, устоз фаолиятида бундай оилаларда тушунтириш ишларини олиб бориш, оила аъзоларини фарзандлар истиқболи билан таништириш керак. Имконият доирасида олийгоҳ томонидан моддий ёрдам бериш ишларини ҳам тўғри йўлга қўя билиш керак.

Бундай тадбирларни барча типдаги оила аъзолари билан ҳам олиб бориш фойдадан холи эмас. Оила ва устозлар ҳамкорлик фаолияти энг катта таъсир қилувчи шароитлардан бири ҳисобланади.

Агар устозлар билан шогирдлар бир Олийгоҳда фаолият кўрсатсалар уларни ҳамкорликда олиб борадиган ишлари енгил кўчади. Бундай вазиятда ота-оналар, қариндош-уруғлар ўз фарзандларини ўзларига таниш бўлган юқори савияли профессор-ўқитувчиларга биркитилишини талаб қиладилар. Бошқа вазиятларда эса ҳар иккала томон; ҳам устоз ҳам ота-оналар фаоллиги талаб қилинади. Устоз шогирдининг оиласига ташрифини ота-оналар билан суҳбат ўтказиш учун йўналтиради.

Бундай ҳолатда ота-оналар билан яқиндан танишиш, уларни қизиқиш истакларини билиб олиш ёки фарзандининг дарс қолдириш сабабларини ўрганиш кабилар назарда тутилади. Бундай назорат таълим-тарбия жараёнда тартиб-интизоми бузилмаслиги учун қаттиқ таъсир қилувчи манба ҳисобланади. Шогирдларни оиласи ётоқхонадаги ҳамда турар жойларидаги ҳаёт тарзлари билан танишгандан кейин устозлар фаолиятида янада яқинлик сезилиб, улар оилавий тантаналарнинг иштирокчиларига айланадилар.

Олийгоҳдан турар жойлари узоқ масофада жойлашган, катнаб ўқийдиган шогирдлар билан олиб бориладиган ишлар янада кўпроқ диққат-эътиборни талаб этади. Бундай фаолият мазмунида талабаларни биринчи навбатда Олийгоҳ шароити билан таништиришдан ташқари Олийгоҳ жойлашган ҳудуд, шаҳар, ётоқхона шароитлари маданияти, ижтимоий муҳит билан таништириш ва уларга кўникма, тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилиш зарурлиги каби масалаларни ҳамкорликда ҳал этиш ката аҳамият касб этади. Чунки узоқ қашлоқлардан келган баъзибир талабалар шаҳарнинг ўзига хос тартиб-интизоми, маданият муносабатлари, уларда маълум бир сирли йўналишлар мавжудлиги ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлмасдан, бундай йўналишларни намуна сифатида қабул қилиб ноўрин хатти-ҳаракатларга йўл қўйишлари мумкин ёки шаҳардаги турлитуман касбларни мазмун-моҳиятини тўлиқ англамасдан ўз мутахассисликкасбини ўзгартиришга қарор қабул қилиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг барчаси шаҳарга энди келган ёшларни шаҳар шароитларига кўникиш жараёнида маълум даражада қийинчиликларни келтириб чиқарди. Шу сабабли, устозлар томонидан ёшларни янги шароитларга кўникиш муаммосини ҳал этишга куч-қувватларини аямасликларини талаб

этади.

Бундай шароитда устозлар ота-оналар вазифаларини бажарувчиларга айланиб зиммаларига яна катта вазифаларни оладилар. Бу ўринда нафақат шогирдларнинг тартиб-интизомларини назорат қилиш, балки яқин атрофдаги ижтимоий жараён билан таништириш, шаҳар-маданиятига киришиб кетиши, ёшларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлашга ўргатиш каби масалалар устозлар зиммасига юклатилади.

Энг асосий масалалардан яна бири шогирдларни ётоқхона ва турар жойларидаги ҳаётий, ижтимоий –психологик ва маданий шароитларини янада яхшилашга эътиборни қарата билишдир. Шунинг учун устозлар ётоқхона сардорлари, хўжалик раҳбарлари, ёшлар ташкилотлари, шогирдларнинг турар жойларидаги хўжалик аъзолари, бир хонада турувчи талабалар билан муносабат ва мулоқот жараёнини янада яқинлаштиришга ҳаракат қилишлари керак.

Бизнинг тадқиқотимизнинг натижаларига кўра бундай ҳамкорлик фаолияти тизимли равишда амалга оширилаётганлигини тасдиқлайди. Ёшларни ҳаёт тарзи ҳақидаги ахборотларга эга бўлиш, заруратига кўра тезлик билан бошқа таъсир қилувчи жамоаларга маълум бир муассасаларни ечишда ёрдам бериш каби талабларни қўйиш мумкинлигини ифодалайди. Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларимизни умумлаштирган ҳолда талаба шогирд устоз, гуруҳ раҳбари, ижтимоий ташкилотлар сардорлари-административ раҳбар ходимлар ҳамкорликда ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш масалаларини амалга оширишда куч-қудратларини аямайдилар

### 2.3. Талабалар илмий салоҳиятини ривожлантиришда устознинг тарбиявий таъсир таснифи

Илмий-тадқиқот ишимизнинг асословчи вазифалардан бири устозларнинг шогирдларга нисбатан тарбиявий таъсир жараёнининг кенг доирада эканлигини тасдиқлайди.

Натижада махсус тарзда шогирдларнинг касбий фаолиятларини шаклланишини ўрганишга урғу берилди ва анкета –сўровлар тизимига касбий маҳоратга таъсир қилувчи услуб, воситалар нимадан иборат эканлигини аниқлаш мақсад сифатида тасдиқланди.

Устозларнинг фаолиятларини кенг маънода эканлигини ҳисобга олган ҳолда асосий аудитория соатларидан ташқари бажариладиган ижтимоий фаолиятлари мазмунига эътибор қилинади.

Устоз томонидан навбатдаги вариант жавоблари тўғри танланса бундай устозни шогирдлар билан ишлаш жараёни сермахсул жараён эканлигини тасдиқлайди. Улар касбий билим, кўникма, малакага эга эканлигини, ўзи томонидан режалаштирган тадбирларни муваффақиятли бажараётганлигини, ўз фаолиятига жавобгарлик ҳисси билан қараётганлигини, касбий ҳусусиятларини ифодалайди.

Бундай ҳусусиятларни таҳлил қилишда устоз-шогирд педагогикасининг бўлғуси мутахассисларини тайёрлашдаги ўрни ва моҳиятини жуда юқори даражада эканлигини тасдиқлайди. Устозлар қандай сифатли даражада ўз вазифаларига эътибор қилар эканлар шунча тез жараёнда шогирдлар мутахассислик билим, кўникма, малакаларини эгаллаб борадилар. Бу эса устозлар томонидан касбий маҳоратларни тўғридан-тўғри шогирдлар онгига сингдириш ва уларни назорат қилиш билан боғлиқ.

Бундай ҳолатлар устоз-шогирдларни бир-бирларини тушунишлари, шогирдларга таълимий-тарбиявий таъсир қилиш натижаси орқали ўзқитувчи шахсининг шаклланиши ўз ниҳоясига етиб боарид. Устозлани шогирдларга яқка тартибда таъсир қилиши асосида шогирдлар жамоасига ҳар томонлама таъсири амалга оширилиб, ҳар бир шахни касбий жавобгарлик ҳисси кенгайиб боради.

Шахсни ўзига юклатилган топшириқларига нисбатан мажбурият ҳиссини тушуниши ахлоқий йўналишда ифодаланиши меҳнат фаолиятини мазмун-моҳиятини ифодалайди. Худди шунинг учун ҳам устозлар-шогирдларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатларни шакллантиришга қаратмоғи керак. Чунки мотивлар (турткилар) тизими орқали шогирдларнинг меҳнатга муносабат тизимларидаги ўзгаришлар ҳақида баҳо

бериш мумкин. Бундай ҳолатда меҳнатга нисбатан ҳоҳиш-истак билан фаолият қилиш ҳаётий мақсадга айланиб боради.

Натижада ёшлар ва устозлар ҳамкорликларидаги фаолият энг қадимги даврлардан бошлаб ҳаётий эҳтиёжларга айланди. Ҳамкорлик фаолиятларини ифодаловчи “Устоз-таълими илм берувчи манбасига шогирд толиби илм олувчи манбасига айланадилар. Бундай муносабатлар асосида мақсадга йўналтирилган педагогик таъсир амалга оширилади.

Ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун нафақат ахлоқий таъсир ёки фаолият зарур, балким ижтимоий фойдали меҳнатда ҳам фаол иштирок этиш талаб қилинади (вақтинча ёки доимий ижтимоий топшириқларни бажариш назарда тутилади). Айнан, шогирдларда ахлоқий қонун-қоидаларга итоатгўйлик билан ёндашишни таъминлаш устозлар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Устознинг энг зарурий функцияларидан яна бири шогирдларни иш ўринлари билан таъминланиши, фаолият жараёнларини ташкил қилади. Шогирдлар олдида танлаган мутахассисларининг ўзига жалб қилувчи, ижодий имкониятларини очиб бериш билан биргаликда касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, танланган мутахассисликларига севги ҳисларини уйғотиш устозларнинг асосий хусусиятлари ҳисобланади. Шуларга боғлиқ ҳолда биз ўзимизнинг тадқиқотимизда устозларга биркитилган шогирдларнинг қайси қисмида танлаган касбига нисбатан салбий муносабатлар мавжудлигини ва уларни сабабларини аниқлаш масалалари қизиқтирди.

Баъзи бир ижодий меҳнат талаб қиладиган бўлимларда таълим олаётган шогирдларнинг (тасвирий санъат, расм, чизмачилик, мусиқа, жисмоний маданият бўлимларида) юздан бир қисми танлаган касбларига нисбатан ҳайрихоҳлик йўқлигини тасдиқлайди. Бу ҳайратланарли ҳол эмас. Чунки бундай бўлимларга кириб ўқиётган талабалар ижодий меҳнاتини мазмун-моҳиятларини тушуниб етгани ҳолда келгуси фаолиятларида ижодий қобилиятлари етишмаслиги, бошқа мутахассисликларга хос тушунчаларни тўла англаб олишлари, уларнинг асосида ўз ахлоқий фаолиятларини башорат қилиш натижаларини олдиндан сезиши орқали олийгоҳларнинг бошқа бўлимларига ўтиб ўқиш истакларини ифодалайдилар.

Демак, устозлар олдида яна бир муҳим вазифа бундай шогирдларга касбий чиниқиб, жамоа ичига кириб олиш, тажриба муддатлари ошиб бориши кабилар асосида олдиндан танланган касбларига нисбатан ҳайрихоҳлик, касбий маҳорат каби зарурий хусусиятлар шаклланиб боришини уқтириш вазифалари ҳам туради.

Яъни янги жамоаларга киришиб кетиш, ўзаро муносабатлар жараёнлари, умумжамоа талабаларини ўзгариши, уларга кўникиб бориш тизими-узоқ муддатли жараён эканлиги, улар баъзан нохуш тўқнашувлар билан амалга оширилиши каби хусусиятларни устоз-шогирдлик аъъаналари таъсирида Олий ўқув юрти фаолиятида амалга оширилиши ёрқин, ҳаётий мисоллар асосида исботлаб бериш устоз фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шулар асосида кўпчилик устозлар ўз шогирдларининг олийгоҳга кириш даврларида танлаган касбларига содиқ эканлигини тасдиқлайдилар.

Шундай қилиб, устозлик фаолиятининг натижаси шогирдларда танлаган касбига нисбатан қарама-қарши бўлган фикр-мулоҳазаларини енгил, уларни бартараф қилиш ишлари якуни билан баҳоланади. Бундай маълумотлар натижаларини магистратурани тугатиб ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланаётган кишилар мисолида кўриш мумкин. Яъни бир йиллик ўқитувчилик амалий фаолияти давомида ёш ўқитувчилардан ҳеч бири ўзининг касби, мутахассислиги юзасидан нолимади, касбига нисбатан нохушликни ифодаламади. Буни асослаш жуда осон.

Кўпгина илмий-тадқиқот ишларининг маълумотларига асосан танлаган мутахассисларга ёшларнинг муносабати, ижодий имкониятларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатади. Жамиятнинг бугунги, ҳар томонлама ривожланиб бораётган даврида илмий фаолият жараёни ижодий ривожланиш имкониятларини янада ошиб бораётганлигини тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам шогирдларнинг касбий мутахассис босқичига юқори даражада аҳамият бериш мақсадга мувофиқ жараён ҳисобланади.

Кейинги устоз-шогирдлик фаолиятидаги босқич шогирдларни илмий-ижодий

фаолиятларига эътибор қилиш босқичи ҳисобланади. Лекин шогирдлар фаолиятини тўғри йўлга қўйишда илмий жиҳатдан ёндоша билиш устозларнинг барча фаолиятларида ўз ифодасини топиши керак. Чунки бугунги кунда ёшларнинг илмга бўлган эҳтиёжларини кундан-кунга юқори даражага кўтарилиб бориши билан бирга уларда вақтинча ўзлари томондан мустақил равишда маълум бир илмий вазифани еча олиш ёки тажриба ўтказиш кўникмалари шаклланимаганлиги, “илмни ёлқин нуқтаси” ни топа олиш қобилиятлари тўлиқ ифодадаланимаганлиги каби сабабларга кўра устоз-шогирдлик фаолияти шогирдларни илмий оммабоп йўналишдаги топшириқларни бажаришга жалб қилиш бу жараёни аста-секинлик билан ўта илмий тарзда чуқурлаштириб, барча фаолиятларни илмий асослашга ўтказиш керак.

Бу эса ҳар бир устознинг етакчи вазифаси ҳисобланади. Устоз-шогирдлик кўникмаси нафақат ҳамкорликдаги маълум бир касбий кўникмаларни сингдириш, ёшларда танлаган касбига нисбатан ижобий ҳис-туйғуни уйғотиш билан чегараланиб қолмасдан, балки касбни келгусидаги башоратига, ўзида пайдо бўлаётган янгидан-янги эҳтиёжларни қондиришга қаратилмоғи керак.

Келтирилган омил кўпроқ ижтимоий-психологик аҳамиятга эга бўлиб устоз-шогирдларнинг психологик жиҳатдан ҳам бир-бирларини тушунишлари, ишонч, ҳурмат-эҳтиром руҳида фаолият кўрсатишларини талаб этади. Замонавий таълим тизимига янги педагогик технологияларни ва таълим стандартларини жорий қилиши каби ҳоллар устоз-шогирдлик анъаналарини мазмун-моҳиятини янада юқори даражага кўтаради ҳамда ҳамкорлик муносабатларини янада бир-бирига яқинлаштиради, ҳамда фаолиятларини тезлаштиради.

Фаолиятларда бир қатор қийинчиликлар, муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳол. Ҳаракат мазмун-моҳияти на фақат устоз-шогирдлар орасидаги мувофиқликни, балки бутун жамоа ҳамкорлигини янада жипслаштиришга қаратилади. Устоз-шогирдлик анъаналари фаолият сифатини янада юқори даражага кўтариш талабаларнинг таълим олаётган факультетлари ва курслари билан боғлиқ.

Чунки, улар бу анъанани моҳиятида устоз-шогирдлар ўртасидаги ўзаро муносабатни чуқур билиш, ижтимоий-сиёсий ва маданий оқартув ишларида фаол қатнашиш масалаларини талабалик йилларидаёқ ҳал қилиш, улардан келгуси амалиётларда фойдаланишга ўрганиш ҳозирги куннинг талабидир, деб ҳисоблайдилар. Анкета ва оғзаки саволларга олинган жавоблар таҳлили бир қатор профессор-ўқитувчилар, айниқса ёш ўқитувчиларнинг устоз-шогирдлик анъаналари ҳақида жуда кам тасаввурга эга эканликларини, уларда бундай меҳнатни ташкил этиш малакасининг етишмаслигини кўрсатади. Лекин кўпчиликнинг фикрича бўлғуси мутахассисларни устоз-шогирдлик асосида тайёрлаш Олий ўқув юртларининг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак.

Шуниси қувончлики, ўқитувчиларнинг кўпчилиги устоз-шогирдлик ишига барча профессор-ўқитувчиларни, барча талабаларни жалб қилиниши зарурий иш деб билишларидан ташқари, ўзлари ҳам бу анъанада фаол иштирок этадилар.

Шогирдлар фаолиятларини ҳеч қандай анкета саволларига жавобларни талаб қилмасдан, кузатиш орқали ўрганиш натижаларига кўра, устозлар томонидан улар билан олиб борилаётган таълим-тарбиявий тадбирлар асосида ҳар бир шогирд томонидан устознинг маслаҳати, кўргазмаларига зарурлиги ифодаланади. Улар фаолиятларининг натижалари тарбиявий таъсирни нафақат таълим жараёни, балки бўш вақтларини ҳам тўғри тақсимланишларини тасдиқлади, бешдан бир қисми эса шогирдлар томонидан бўш вақтлар қандай ўтказилаётганликлари ҳақида аниқ бир тасаввурга эга эмаслигини кўрсатади.

Жавоблар умумлаштирилиб таҳлил қилинганда шогирдларнинг маълум бир қисми ноўрин характерга эга бўлган йиғилишларда курс кечалари, туғилган кунларни нишонлаш, кечки клубларда бўлиш каби вақтни фойдасиз ишларга сарф қилишлари аниқланди. Айнан ана шу йўналишда таълим-тарбия ишларини амалга ошириш устоз-шогирд анъаналарининг яна бир йўналиши ҳисобланади. Бўлғуси ўқитувчи касбий кўникма, малакаларни шакллантиришда бўш вақтдан унумли фойдаланишга ўрганиш

Ўқувчи учун маънавий-мафкуравий ривожланиш мафкуриси ҳисобланади. Шунинг ҳам эсда тутиш лозимки, мафкуравий ривожланиш жараёнига йўналтирилмаган бўш вақтни амалга ошириш жамоада салбий ҳолатларни вужудга келтиради ва ахлоқий салбий ҳолатларга сабабчи бўлади.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Устозлик – бу ижтимоий институтларнинг ёшларни ҳар томонлама тарбиялашдаги бир йўналиши ҳисобланади. Лекин, бу анъана оила, мактаб каби турли мазмундаги ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи ижтимоий институтларнинг таълим-тарбиявий таъсирларни давомчиси сифатида ифодаланади. Шунинг учун ҳам устоз-шогирдлик фаолиятларида оила, мактаб каби жамоалар фаолиятлари билан ҳамкорлик амалга оширилиб, бир-бирларининг таъсир қилиш кучлари мустаҳкамланиб боради.

Ижтимоий ҳаёт тажрибасининг тасдиқлашича инсониятнинг бўлғуси ижтимоий-сиёсий фаоллиги, таълим-тарбияни авлоддан-авлодга етказиш асосида амалга оширилишини тасдиқлайди. Бундай юқори даражадаги тасдиқланишлар устозлик фаолиятини ҳам юқори даражада баҳ олаш зарурлигини ифодалайди.

Устозларнинг фаолияти шогирдларда вақт кўрсаткичларни умум давлат миқёсида амалга оширишга ўрнатишдан иборат. Бу жараёнда эса вақтни қандай тақсимлаш масаласини ҳал қилишда устоз кўрсатмалари асосий ўринга эга. Ҳар қандай вақтни тақсимлашда мақсад, вазифа, воситалардан қандай фойдаланиш зарурлигини ўргатиб шогирдларни бўш вақтларини сермазмун йўналишда билим, кўникма, малакалар эгаллашга жалб қила билиш устоз сиймосини янада обро-эътиборли шахсга айлантиради.

Устознинг таъсир қилиш йўналиши шогирдларни бўш вақтларида ижтимоий фойдали меҳнатга жавоб қилиш, ўзи яшаб турган маҳаллада маданий-оқартув ишлари билан шуғулланишга ўргатиш, спорт билан шуғулланиш кабилар орқали жамият талаб қиладиган сифатларга эга бўлган шахснинг шакллантиришга эътибор қилишдир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, устоз-шогирдлик анъанасининг фақат моддий-иқтисодий томонига эътибор қилинадиган бўлса бу фаолият асоси ҳеч қандай таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлмайди. Демак, бу фаолият асосида ихтиёрийлик тамойили билан бир қаторда, тизимли равишда ҳамкорлик мазмунида ҳар иккала томонини мутахассислик даражасини юқори даражага кўтариши ҳам ўз ифодасини топеди. Уларни юқори даражадаги умум мутахассислик хусусиятлари билан биргаликда маданий мулоқот, муносабат даражалари ҳам ривожланиб, шаклланиб боради. Яъни улуғ мутафаккирларининг фикрларига кўра бўлғуси мутахассисни ҳар томонлама шакллантириш учун уни ўзини ҳам ҳар томонлама билиш зарур деган талаблар “Устоз-шогирд” анъаналари асосида амалга оширилади.

Устозлар томонидан ўз шогирдларининг ҳаёт мазмунлари билан яқиндан танишиш учун уларга тубандаги тартибда саволлар тақдим қилинди: шогирдлар ўзларининг бўш вақтларини қандай ўтказишларининг степендияларини нималарга сарф қилишлари, мустақил таълим олишга қанча вақт сарф қилишлари, дўстлари, ўртоқлари кимлар, танлаган касблари ёқадими, нималарга қизиқишлари кабиларни биладиларми деган саволлар тақлиф қилинди. Олинган жавобларни кўрсатишича, устозларнинг асосий қисми бу саволларга тўғри тасдиқловчи саволлар келтирилганликларини кўрсатади.